

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)  
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

## «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ»ДА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИНВЕСТИЦИОН ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Зиёдулла Нуров**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

**Мархабо Халимовна Ражабова**

Бухоро давлат университети  
Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар  
бўйича) мутахассислиги 1-босқич  
магистранти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда «яшил иқтисодиёт», хусусан қайта тикланувчи энергия манбаларига инвестиция киритишнинг аҳамияти тадқиқ этилган. «Яшил иқтисодиёт»нинг энергетика соҳасига йўналтирилган инвестицияларининг жаҳондаги ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ва ривожланиш тенденциялари аниқланган.

**Калит сўзлар:** яшил иқтисодиёт, қайта тикланувчи энергия манбалари, яшил инвестициялар, яшил облигациялар, иқтисодий прогноз.

### Кириш

Бугунги кунда «яшил иқтисодиёт» истиқболда барқарор ривожланишнинг асоси сифатида қаралмоқда ва уни ҳаракатга келтирувчи куч «яшил» технологияларга киритилаётган инвестициялар ҳисобланади. Мазкур технологиялар энергия ва ресурсларни тежаш, углерод чиқиндиларини камайтириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, умуман иқтисодиётни табиат ва атроф-муҳитга зарар келтирмасдан ривожлантиришга ҳамда инсониятнинг экологик хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Айниқса, ҳозирги глобаллашув шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Мазкур масаланинг кульминацион чўққиси 2015 йилда Франциянинг париж шаҳрида ўтказилган БМТнинг иқлим исишига бағишланган конференциясида 195 мамлакат томонидан глобал исиш даражасини 2° целсий даражасида ушлаб туриш сиёсатини қабул қилиши билан белгиланди. Ушбу конференцияда 147 мамлакат ўзининг «яшил иқтисодиёт» бўйича режаларини муҳокама қилди, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича дастурларни таклиф қилди, 167 мамлакат иқлим имкониятларидан келиб чиқиб ўз энергия самарадорлигини ошириш тавсияларини тақдим этди. Прогнозлар шуни кўрсатмоқдаки, 2040 йилга келиб

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)

Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

дунё ялпи ички маҳсулотининг энергия сифимкорлиги 0,93 кВт/долларга, жон бошига тўғри келувчи энергия истеъмоли 22,32 мВт/кишига, жами энергия истеъмоли 204408,88 млн. мВт га етади. Мамлакатларнинг анъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни камайтириб, қайта тикланувчи энергия манбаларига кўпроқ эътибор қаратишларига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди: – қайта тикланадиган энергия манбаларидан технологик жараёнда фойдаланиш ҳисобига нарх рақобатининг ўсиши; – мазкур сектор ривожланиши учун ижобий сиёсий ташаббуслар; – молиялаштиришдаги нисбатан эркин шароитлар; – энергетик ва экологик муаммоларни ҳал қилиш масаласи; – ривожланаётган мамлакатларнинг ўсиб бораётган иқтисодиётининг энергияга ортиб бораётган талаби; – энергияни барчага бирдек мавжудлигини таъминлаш ва энергетик қашшоқликдан қутулиш. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан энергия ресурслари захираларига боғлиқ. Ҳозиргача дунёда аниқланган табиий энергия манбалари захиралари энергия истеъмолининг бугунги кун даражасида истеъмол қилинса, 54 йил давомида энергияга бўлган эҳтиёжimizни қондириш имконини беради, холос. Бироқ маълумки, жамият ва иқтисодиёт ривожланиши бир жойда тўхтаб турмайди. Ривожланиш ва иқтисодий ўсиш энергияга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келади ва энергия танқислиги муаммоси вужудга келиши ҳавфини туғдиради. 2040 йилга келиб жаҳон ЯИМ энергия сифимкорлиги 0,08 т. н.э./минг долларга етиши кутилмоқда. шу боис анъанавий энергия манбалари захираларининг камайиб бориши шароитида қайта тикланадиган энергия манбаларининг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги аҳамияти ва долзарблиги ортиб бормоқда.

### Муҳокама ва натижалар

Йилдан йилга айрим мамлакатларда яшил иқтисодиётга инвестиция киритиш даражаси пасайганига қарамасдан, ривожланаётган мамлакатларнинг айримларида қайта тикланадиган энергия манбаларини инвестициялашни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат мақсадли дастурлари ишлаб чиқилмоқда, бундай мамлакатлар қаторига Ҳиндистон, Аргентина, Миср ва БААни киритиш мумкин. Ушбу мамлакатларда «яшил иқтисодиёт»ни инвестициялаш муҳитини яхшилаш учун амалга оширилаётган тадбирлар мазкур тармоқ ривожланишига хизмат қилувчи инвестициялар миқдорининг ортишига олиб келиши шубҳасиздир. 2021 йилда барча йилларда кузатилганидек, жаҳонда «яшил иқтисодиёт»га жалб қилинган инвестицияларнинг катта улуши қуёш ва шамол энергиясига тўғри келди. **Ривожланган** мамлакатларда қуёш энергиясига инвестициялар миқдори 57,4 миллиард долларга, **ривожланаётган** мамлакатларда эса 58,6 миллиард долларга тенг бўлди. Инвестициялардаги бундай катта улушни қуёш энергетикаси

самардорлигининг бошқаларига нисбатан юқорилиги ва бошқа тикланадиган энергия манбаларига нисбатан эксплуатация харажатларининг камлиги билан тушунтириш мумкин.


«Яшил инвестициялар» таркибий улушининг кейинги ўрнини шамол энергиясига бўлган инвестициялар эгаллайди. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 59,4 миллиард долларга, ривожланаётган мамлакатларда 50,7 миллиард долларга тенг бўлди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, жаҳонда қуёш энергиясидан фойдаланишни инвестициялаш улушининг юқори бўлишига қарамасдан, ривожланган мамлакатларда «яшил инвестиция»лар кўпроқ шамол энергиясига, ривожланаётган мамлакатларда эса қуёш энергиясига йўналтирилган. Буни ушбу мамлакатлар географик ва иқлимий шароитлари билан боғлиқ омиллар орқали тавсифлаш мумкин. Биомасса, биоёқилғи, кичик гидростанциялар, геотермал ва денгиз энергиялари каби бошқа тикланадиган энергия манбаларига инвестициялар улуши жамига нисбатан жуда кам бўлиб, 2021 йилда ривожланган мамлакатларда 8,2 миллиард долларга, ривожланаётган мамлакатларда 7,31 миллиард долларга тенг бўлди. «Яшил иқтисодиёт»га инвестицияларни таҳлил қилаётганда ривожланаётган мамлакатлар гуруҳини икки таркибий қисмга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ, яъни «Катта учлик» (Хитой, Ҳиндистон ва Бразилия) ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар.

2021 йилга келиб Муқобил энергия учун ажратилган инвестиция кўлами кескин ошди ҳамда 750 миллиард долларни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 27% га кўп демакдир. 2021 йилда яшил иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар миқдорини соҳалар кесимида қуйидагича тақсимланганини кўриш мумкин:

### Тармоқлар бўйича энергия алмашинувида глобал инвестициялар<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Bloomberg наши маълумотлари асосида <https://assets.bbhub.io/professional/sites/24/Energy-Transition-Investment-Trends-Exec-Summary-2022.pdf>

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)  
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>



● Қайта тикланадиган энергия ва электрлаштирилган транспорт энг катта икки тоифани ташкил этди. 2021 йилда шамол ва қуёш каби янги рекордлар ўрнатиш ва электр транспорт воситалари савдоси ўсди.

● Компаниялар, ҳукуматлар ва уй хўжаликлари янги қайта тикланадиган энергияга 366 миллиард доллар сармоя киритди, қуввати эса 2021 йилга нисбатан 6,5 фоизга ошган.


● Шунингдек, улар электр энергиясига 273 миллиард доллар сарфладилар, транспорт воситалари ва тегишли зарядлаш инфратузилма объектлари 77% га ўсди. Ҳозирги тенденциялар бўйича электрлашган транспорт сектори қайта тикланадиган энергиядан ўзиб кетиши керак.

● Харажатларнинг кейинги энг йирик тармоқлари электрлаштирилган иссиқлик – 53 миллиард доллар ва ядровий энергетика – 31 млрд доллар бўлди.

● Биргаликда, тоза қувват ва электрлаштириш (қайта тикланадиган энергия, ядро, энергия сақлаш ва электрлаштирилган транспорт ва иссиқлик)га инвестицияларнинг катта қисмини яъни 731 миллиард долларга тенг улушни водород, углеродни сақлаш ва барқарор материаллар ташкил этди.

### Худудлар кесимида инвестициялар миқдори

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)  
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>



• Ҳар учала минтақа (AMER<sup>2</sup>, APAC<sup>3</sup>, EMEA<sup>4</sup>) 2021-йилда энергияга ўтиш сармояси бўйича барча вақтлардаги рекордларни қайд этди.

• Осиё-Тинч океани минтақаси 368 миллиард долларлик сармоя киритиладиган энг йирик ва 2021 йилда 38 фоизга энг юқори ўсишга эришган минтақа бўлди. Электрлаштирилган транспорт энг катта ҳаракатлантирувчи омил бўлди, чунки у 2021 йилда инвестиция оқимини икки бараварга оширди, бироқ қайта тикланадиган энергия манбаларига инвестициялар ҳажми ўзгармади.

• 2021 йилда Европа, Яқин Шарқ ва Африкада энергияга ўтиш учун инвестициялар 16 фоизга ўсиб, 236 миллиард долларни ташкил этди. Қайта тикланадиган энергияга инвестициялар бир хил ҳолатда эди, лекин электр транспорти харажатлари 46% га ошди.

• Америка қитъасида энергияга ўтиш сармояси 2021 йилда 21 фоизга ўсиб, 150 миллиард долларни ташкил этди. EMEA минтақасида бўлгани каби, қайта тикланадиган энергияга инвестициялар ўзгармади, лекин электр транспорт воситаларига инвестициялар 84 фоизга ўсди.

<sup>2</sup> Шимолий, Марказий ва Жанубий Америка.

<sup>3</sup> Осиё-Тинч океани худуди.

<sup>4</sup> Европа, Яқин шарқ ва Африка.

● APAC hozirda energiyaга ўтиш бўйича глобал инвестицияларнинг 49 фоизига эгаллик қилади. EMEA 31% билан иккинчи, AMER эса 20% билан ортда қолмоқда.

### Хулоса

1. Глобал даражада яшил иқтисодиётга ўтиш катта миқдордаги молиявий маблағларни талаб этади. Халқаро энергетика агентлигининг 2050 йилгача CO2 эмиссиясини икки бараварга камайтириш бўйича турли сценарийлари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу мақсадга эришиш учун «яшил иқтисодиёт»га кўшимча инвестициялар миқдори дунё ЯИМнинг 1-2,5% даражасида бўлиши талаб этилади. Аҳамиятлиси шундаки, мазкур инвестицияларнинг катта қисми қурилиш ва транспорт соҳасини «яшиллаштириш» учун йўналтирилиши керак бўлади.

2. Молиявий, банк ва суғурта инвестициялари «яшил иқтисодиёт»га киритилаётган хусусий инвестицияларнинг бош манбасига айланмоқда. Молиявий хизматлар ва инвестицион секторда катта миқдорда капитал айланади ва бу «яшил иқтисодиёт»га инвестициялар киритишнинг потенциал манбалари сифатида қаралиши мумкин. Бугунги кунда «яшил иқтисодиёт»га инвестициялар киритишга давлат ва хусусий секторнинг институционал инвесторлари, банклар ва суғурта компаниялари экологик, ижтимоий ва бошқарув рискларини камайтириш мақсадини кўзлаган ҳолда «яшил технологиялар»дан фойдаланишга ўз қизиқишларини билдиришмоқда. Микромолиялаштириш жамоат ва қишлоқ даражасидаги лойиҳалар учун салоҳиятли, муҳим ўрин эгалайди. У паст даромадли аҳолига ўз маблағларини ресурс ва энергия тежашга жорий қилиш имконини ҳамда ушбу фаолиятнинг хавфхатар даражасини пасайтириш имконини беради.

3. «Яшил иқтисодиёт»ни молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятлари мавжуд. Жадал ўсиш ва капитал бозорининг «яшил иқтисодиёт»га йўналтирилганлиги ошиб бориши, углерод манбаларини молиялаштириш ва микромолиялаштириш каби бозор дастакларининг ривожланиб бораётгани ҳамда охириги йиллардаги иқтисодий пасайишга жавобан фондлар глобал «яшил» ривожланишга қаратилган «яшил» иқтисодий ислоҳотларни кенг миқёсли молиялаштириш имконини тақдим этишмоқда. Аммо ушбу оқимлар инвестицияга бўлган эҳтиёжлардан анча кам. Шу сабабли яқин вақт ичида «яшил» иқтисодиётга ўтишни бошламоқчи бўлсак, ушбу оқимларни тез кенгайтириш лозим бўлади.

4. Давлат «яшил иқтисодиёт»га инвестициялар оқимини оширишда хусусий инвестициялар учун қулай инвестицион муҳит яратиши лозим бўлади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий сектор учун давлат



Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)  
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

томонидан «яшил иқтисодиёт»ни қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи сиёсий, молиявий ва солиқ дастакларини қўллаши самарали ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Прогноз развития энергетики мира и России 2022. / под ред. А.А.Макарова, Л.М.Григорьева, Т.А.Митровой; ИНЭИ РАНАЦ при правительстве РФ. – Москва, 2022.
2. Одинаев Д. Ш. Жаҳонда «Яшил иқтисодиёт» нинг энергетика соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ва ривожланиш тенденциялари //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2018. – №. 7.
3. Frankfurt School-UNEP Centre/BNEF. 2022. Global Trends in Renewable Energy Investment
4. Nurova, G. (2022). Results of ISI Implementation in Uzbekistan (in The Example of Uzbek Automotive Industry): Achievements and Negative Outcomes. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 8(8). извлечено от [http://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/5694](http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5694)
5. <https://assets.bbhub.io/professional/sites/24/Energy-Transition-Investment-Trends-Exec-Summary-2022.pdf>